***Парламентимиз юқори палатасининг ўн учинчи ялпи мажлиси йигирмадан ортиқ қонунларни маъқуллади. Улар орасида "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам бор. Табиийки, бу қонун ёш авлод манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати туфайли дунёга келди. Қолаверса, "Ёшлар йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам ушбу ҳуқуқий ислоҳотларга туртки бўлди. Биз Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фарида АБДУРАҲИМОВАдан ушбу қонун хусусидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашишини сўрадик.***

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

— Мазкур Қонун Давлат дастурида белгиланган вазифалар ечимини топишга кўмаклашиши, шубҳасиз, — дейди Фарида Йўлдошевна. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда киритилган мазкур қонун лойиҳаси юзасидан берган тушунтиришида республикамизда назоратсиз қолган вояга етмаганлар сони ва улар томонидан қонунга зид қилмишлар содир этиш ҳолатлари сезиларли даражада кўпайганлиги таъкидланган. Ҳаёт кечириш учун зарур моддий воситаларга эга бўлмаган қаровсиз болалар турли ҳуқуқбузар ҳаракатларни содир этишга мойил бўладилар. Чунончи, 2007 йилнинг биринчи ярмида 1290 нафар вояга етмаган бола жиноий, 3207 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳам фикримизга далил бўлади. Қолаверса, катта ёшдагиларнинг вояга етмаганлар хулқига кўрсатаётган салбий таъсири болалар жиноятчилиги кўпайишининг асосий омилларидан биридир.

Мазкур Қонуннинг 1-моддасида белгиланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси 11-хатбошисининг янги таҳрири, аввало, йиғин ҳудудидаги вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини янада тўлиқроқ ҳимоя қилиш мақсадига йўналтирилган. Бундай ҳолат фуқаролар йиғини раиси ёки оқсоқолининг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида қайғуриши лозимлигини, ушбу ҳол юзасидан ваколати ва айни вақтда, масъулияти мавжудлигини билдиради. Қонунга киритилган мазкур ўзгартиш "кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" ғояси амалдаги ижросининг бир кўринишидир.

Сенат аъзолари томонидан маъқулланган ушбу Қонун вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича васийлик ва ҳомийлик органларининг масъулиятини янада оширади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги $47^1$ ва $47^2$-моддалари киритилди. Бу қўшимчалар Кодекснинг 47-моддасини тўлдириши баробарида, вояга етмаган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга масъул бўлган муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини кучайтиради. Қонунлар иерархияси бўйича киритилаётган мазкур қўшимчанинг иккинчи қисми мазкур Қонуннинг предмети ва ижроси нафақат мансабдор шахсларга, балки фуқароларга ҳам юклатилишини билдиради.

Ялпи йиғилишда катта қизиқиш би-

### ▼ Сенатда маъқулланган

лан муҳокама этилган бу Қонун Оила кодексининг амалдаги 149-моддаси учинчи қисмини ҳам қамраб олади. Аниқроқ айтганда, мазкур модданинг учинчи қисми учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилади.

Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, васийлик ва ҳомийлик, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни тегишли муассасаларга жойлаштириш шакли ва тартиби каби масалалар эндиликда бевосита оила қонунчилиги билан тартибга солинади. "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун доирасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг асосида оила қонунчилиги нормалари мужассамлашган. Мазкур қонунларга киритиладиган қўшимча ва ўзгартишларнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида Оила кодексининг 149-моддаси "Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, бу ҳақда етти кунлик муддат ичида улар турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт", деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг 13-моддаси 11-хатбошиси ҳам "вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек, бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади", деган янги таҳрирда баён этилди.

Мазкур Қонуннинг 2-моддаси ҳамда Жиноят кодекси 122-моддаси янги иккинчи қисм билан тўлдирилди. У келгусида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноий қилмиш содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар манфаатини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан мазкур масалага дахлдор давлат ва нодавлат идораларининг масъулиятини кучайтириши, табиий. Бинобарин, мазкур кодексга янги "Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик", "Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш" ҳақидаги янги нормалар ҳам киритилди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс "Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш" деб номланган $188^1$-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, вояга етган шахслар томонидан вояга етмаган шахсларни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишига олиб келади. Бу ерда белгиланган жариманинг миқдори катта ёшдагиларни огоҳлантириш баробарида улар томонидан бундай ҳуқуқбузарликлар содир этмаслик учун тарбиявий омил вазифасини ҳам ўтайди.

Оила кодексининг 149-моддасига мазкур Қонун билан киритилаётган қўшимча эса юқорида номи тилга олинган қонунлар билан Оила кодексидаги нормаларни мувофиқлаштиришга қаратилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур Қонуннинг амалга киритилиши, аввало, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Бу эса "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми янада такомиллашганидан далолатдир.

**Эсиргап БОЛИЕВ ёзиб олди.**




***Маълумки, Жаҳон саломатлик куни ҳар йили 7 апрель — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га асос солинган кунда нишонланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус бўлими ҳисобланмиш мазкур ташкилот 1948 йили фаолият бошлаган. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг халқаро ва миллий муаммолари ечимини топиш, оналикни таъминлаш каби долзарб масалалар унинг асосий мақсади ҳисобланади.***

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

**Б**угунги кунда ташкилотнинг олтита ҳудудий ваколатхонаси ҳамда биргаликда иш олиб борувчи илмий марказлари мавжуд. Жаҳонда 190 дан зиёд мамлакат ЖССТга аъзо. Ўз навбатида, бу давлатлар аҳоли саломатлигини асраш борасида жонбозлик кўрсатаётган инсонпарвар мамлакатлар саналади.



Юртимиз ҳам бундан мустасно эмас. Мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида бир неча истиқболли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Хусусан, ОИВ ва ОИТС, сил касалликлари, эмлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ташқи муҳит, овқатланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги сингари қатор йўналишлардаги муҳим лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, қолаверса, Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва ғоялари асосида мамлакатимиз тиббиёт тизимида ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон тажрибаси мазкур халқаро ташкилотнинг муносиб эътирофига сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қишлоқ жойларида амалга оширилаётган тиббий янгиланишлар, ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг ташкил этилаётганлиги, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ошаётганлиги, турли ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликларга чек қўйилаётгани жаҳон миқёсида ибрат қилиб кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш — соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош вазифасидир. Истиқлолга эришган дастлабки йилларимиздаёқ бу борада амалий қадамлар қўйилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада туб бурилиш ясади. Юртбошимизнинг ўтган йил сентябрь ойида эълон қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони эса мамлакатимиз тиббиёт тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган стратегик аҳамиятли ҳужжат бўлди. Негаки, унга мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришнинг замонавий ташкилий тузилмаси шаклланди. Туман (шаҳар)ларда тиббиёт бирлашмалари, вилоятларда эса кўп тармоқли тиббий марказлар ташкил этилди.

Яна бир янгилик шуки, юртимизда мавжуд 4 та ихтисослаштирилган тиббий марказ тажрибасидан келиб чиқиб, яна 6 йўналишда янги илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш кўзда тутилган. Улар юртимизда бугун фаолият кўрсатаётган илмий-текшириш институтлари негизида вужудга келмоқда. Энг муҳими, бу мақсадни амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан етарлича маблағ ажратилган.

*Кўриб турганингиздек, нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътирофини топаётган янгиланишлар кўлами кенг. Юз бераётган ўзгаришу ислоҳотлар инсон, унинг манфаатлари, турмушимиз фаровонлигига қаратилган. Зеро, бундан буён ҳам изчил ислоҳотлар, аҳоли саломатлигига жиддий эътибор ва ғамхўрлик масаласи шу каби эзгу ва хайрли амаллар мисолида бардавомлигини йўқотмайди.*

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Яхши хабарлар

***Чинозлик тадбиркор Иззатулла Мамаюнусов раҳбарлигидаги "Ниагара" хусусий фирмаси "Ўзсаноатқурилишбанк"дан олинган катта миқдордаги кредитдан унумли фойдаланди.***

## «НИАГАРА»НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Жумладан, ишлаб чиқариш цехларига хорижий техника воситалари ўрнатилиб, болалар ҳам, катталар ҳам бирдек хуш кўрадиган 17 турдаги чанқовбосди ичимлик тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада хусусий фирма биргина ўтган йили истеъмолчиларга 150 миллион сўмлик сифатли маҳсулот етказиб бериб, 15 миллион сўм миқдорида соф фойда кўрди.

Бундан руҳланган корхона ишчи-хизматчилари жорий йилнинг март ойидан эътиборан ўз фаолиятларини янада кенгайтириб, полипропилен қоплар ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Шунга кўра, ҳозир янги цех хорижий мамлакатлардан сотиб олинган, соатига икки минг дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга дастгоҳлар билан жиҳозланмоқда. Ўз навбатида, ун заводларига полипропилен қоплар етказиб бериш юзасидан узоқ муддатли шартномалар тузиш чоралари кўрилаяпти.

Янги цех ишга туширилгач, "Ниагара"да меҳнат қилаётганлар сони салкам икки баравар кўпайиб, 130 нафарга етади.

## КЕКСАЛАР АРДОҚДА

Наврўз байрами пскентлик кексалар учун шодлик устига шодлик келтирди. Боиси, туман марказидаги Бобур маҳалласида меҳнат ва уруш фахрийларига ҳамда пенсионерларга хизмат кўрсатувчи замонавий санаторий фойдаланишга топширилди.

Эндиликда қариялар барча қулайликларга эга янги оромгоҳда кўнгилли ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда, саломатликларини ҳам тиклайдилар.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўприклар бунёд этилди. Шаҳар кўркига кўрк қўшувчи муҳташам бинолар қад ростлади. Эҳ-ҳе, бу каби ўзгаришларни санаб, адоғига етиш қийин.

Ҳа, бугун Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки кўҳна Шарқнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида том маънодаги марказдир. Бир пайтлар Тошкентни «Нон шаҳри», «Дўстлик шаҳри» деб аташган. Мустақиллик йилларида бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий юксалишлар туфайли шаҳар яна бир мақомга эришди. Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) қарори билан 2007 йилда Тошкент ислом маданиятининг пойтахти сифатида эътироф этилди.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини матбуотда ўқиб, ҳаяжонланиб кетдим.

Демак, шаҳримиз янада чирой очади, бундан-да гўзаллашади. Бунёдкорлик руҳига йўғрилган салоҳиятли ислоҳотлар давом этади. Зеро, бу ерда қилиниши лозим бўлган ишлар етарли даражада. Пойтахтимиз миллийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган шаҳарга айланиши йўлида ҳали кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиши зарур. Ахир, юртимизга келган ҳар бир хорижлик меҳмон Тошкентни кўриб, Ўзбекистонга баҳо беради.

Қарорда таъкидланганидек, шаҳримиздаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни ободонлаштириш, уларнинг бугунги аҳамиятини янада оширишимиз, чет элликларнинг ушбу масканларга саёҳатларини ташкиллаштиришимиз лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг мазкур қарори азим Тошкентнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини жаҳон аҳлига кўрсатишимизга, унинг мавқеини янада юксалтиришимизга асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Муҳаммаджон ЗУФАРОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси.**



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

***Бугун Навоий ва Махтумқули сиймолари ҳақида сўз бошлаганингизда, аввало, азим Тошкент ва муаззам Ашхободнинг салобати кўз ўнгингизда жонланади. Гарчанд тарихимиз уйғун, маданиятимиз яқин, тилимиз ўхшаш бўлса-да, учинчи минг йилликда ана шу азалий дўстлик ва биродарликнинг янада ҳаётбахш, янада амалий ҳамкорлик муносабатларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркманистонга давлат ташрифи чоғида янги саҳифа очилди.***

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР РИШТА

Ашхободдаги икки томонлама олий учрашувлар ўзаро дўстона алоқаларга доир барча масалалар қамраб олинган ҳолда ўтди, хусусан, истиқболли режалар белгиланди, муносабатларнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди. Икки давлат ўртасида Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди.



Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг жорий йил 10 март куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келиши деярли барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг қирраларини белгилаб олишга ва амалиётга татбиқ этишга замин яратди.

— Бу икки халқни оға-ини мақомидаги халқлар, десак, муболаға бўлмайди, — дейди Ўзбекистондаги Туркман маданияти маркази раиси Оразмурад Қурбонов. — Туркманистонда яшаётган ўзбеклар ҳам, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркманлар ҳам бир эту тирноқ бўлиб, ҳамжиҳатликда, қон-қариндош сифатида яшаб келаяптилар. Ўзбекистонда 160 мингга яқин туркман миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. 2001 йили ташкил этилган маданият марказимиз фаол ва изчил ишлаб келаяпти. Айни пайтда Тошкент шаҳрида, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрида ана шундай маданият марказлари халқларимиз ўртасидаги қадимий биродарлик ва дўстлик муносабатларини юқори босқичга кўтаришга ҳисса қўшмоқда. Таъкидлаш жоизки, биз ҳамиша юксак эътибор ва ғамхўрликни ҳис этиб яшаймиз. Қолаверса, ўзбек халқининг меҳри, мурувватИ, эъзози

### ▼ Ўзбекистон — умумий уйимиз

доимо кўксимизни тоғдай кўтариб келган. Ўзбекистонлик туркманлар Президентимиз Ислом Каримов ғояларини рўёбга чиқаришда, мамлакатимиз тараққиёти йўлида ўзларини астойдил сафарбар қилганлар.

— Мен "Отажон Қаландар", яъни менинг номимга қўйилган ва кенжа ўғлим бошқараётган фермер хўжалиги аъзосиман, — дейди оққўрғонлик Қаландар ота Отажонов. — 61 гектар еримиз бор. Ўтган йили 117,5 тонна пахта, 54 тонна буғдой ҳосили кўтардик. Даромадимиз яхши бўлди. Яқинда трактор олдик. 10 фарзандим, 26 набирам билан шоду хуррамликда яшаяпман. Юртбошимиз ерни ҳақиқий деҳқонларга ишониб топширдилар. Мингдан-минг раҳмат. Кўпдан буён вилоятимиздаги 3000 дан зиёд туркманларни қовуштириб, миллий урф-одатлар, умумбашарий қадриятлар доирасида маданий тадбирлар, маърифий учрашувлар ўтказадиган, дўстлик-биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган вилоят туркман маданият марказини очишни маслаҳатлашиб юрувдик. Ташаббусимиз қўллаб-қувватлангач, гувоҳи бўлганингиздек, ниятимизга етдик.

— Мен ўзбекистонлик ёшлар сафида она-Ватанимга хизмат қилаётганимдан мамнунман, — деб суҳбатга қўшилади "Ёшлар" телерадиоканалида туркман тилида эфирга узатиладиган "Чемен" радиодастури бошловчиси Камолиддин Муханов. — Тошкент Маданият институтини битирганман. Мусиқа басталайман. Ўзбек ва туркман тилларида шеърлар ёзиб тураман. "Ёшлар йили" да кўп эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқармоқчиман. Орзуим — икки халқнинг севимли ҳофизига айланиш.

Ҳа, ўзбекистонлик туркманлар бугун ўз орзулари, мақсадлари сари дадил одимламоқдалар. Зеро, бунинг учун мамлакатимизда истиқомат қилаётган 100 дан зиёд миллат вакилларига барча имкониятлар эшиги очилган. Ягона, аҳил оилада, бирдамликда, ҳамжиҳатликда, тотувлигу иноқликда ҳаётларини гўзал, турмушларини янада фаровон қилишга, мамлакат келажагига камарбаста бўлишга қўлни қўлга бериб киришганлар.

**М**ухтасар айтганда, мамлакатимиз яна бир нодавлат нотижорат ташкилоти билан бойиди. Тошкент вилояти Туркман маданият маркази таъсис этилди. Жону жигарларимиз халқларимиз қалбига, ўй ва истакларига ҳамоҳанг режалар, лойиҳалар устида ишлашга келишиб олдилар.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Лавозимида қолди

Литва парламенти мажлисида мамлакат бош вазири Гедиминас Киркилас иш фаолияти таҳлил қилинди.

Парламентдаги мухолиф партия аъзолари 19 хил масала юзасидан бош вазирга ишончсизлик билдирганди. Мамлакат Конституциясига кўра, 141 депутатдан 71 нафари бош вазирга ишончсизлик билдириб, унга қарши овоз берса, вазир истеъфо бериши ва бутун ҳукуматни тарқатиб юбориши керак эди.

Овоз бериш жараёнларида 63 депутат Киркиласга қарши чиқди ва шу билан бош вазир лавозимида қолди.

### Натижалар ҳамон мавҳум



***Зимбабведа шу йил 29 март куни бўлиб ўтган президентлик сайловларининг илк натижалари ҳали ҳануз эълон қилингани йўқ.***

"Ассошиэйтед-пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, бу "сукунат"га мамлакатдаги мухолифат партия вакиллари ва халқаро жамоатчилик эътироз билдирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатда президентлик сайловлари парламент сайловлари билан бир вақтда ўтказилганди.

### Самолёт ҳалокати

***Суринам (Африка)дан Парамарибо шаҳрига кетаётган "Ан-28" русумли самолёт ҳалокатга учради.***



Маҳаллий "Blue Wing" авиакомпаниясига қарашли мазкур самолёт бортида 20 киши бор эди. Хабарларда келтирилишича, уларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Ҳозирда авиаҳалокат сабаблари ўрганилаяпти.

### Сўровлардан маълум бўлишича...

***Америкаликларнинг 80 фоизи фикрига кўра, мамлакат тараққиёти кескин суръатда тушиб кетмоқда.***




Бундай хулоса "The New York Times" газетаси ва "CBS News" телеканали билан ҳамкорликда ўтказилган сўровнома натижаларидан сўнг маълум қилинди.

Аҳолининг асосий қисми АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кампаниясини қўллаб-қувватламаслигини билдирган. Респондентлар фикрича, АҚШ обрўси беш йил аввалгидан-да тушиб кетган. Мамлакат фуқароларининг атиги тўрт фоизи АҚШда ўсиш борлигини маълум қилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

*нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. Наманган вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 июндаги 16-0705-2425-сонли ижро варақасига асосан, Наманган вилояти Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Наманган вилояти «Иссиқлик манбаи» ИЧБга қарашли, Косонсой шаҳри, А. Навоий кўчасида жойлашган «Шодлик» болалар дам олиш оромгоҳи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда.
*Бошланғич баҳоси — 308 795 550 сўм.*
2. Наманган вилояти хўжалик судининг бир қатор ижро ҳужжатларига асосан, Наманган вилояти Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Наманган вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига қарашли, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, «Ёшлар» спорт мажмуаси ҳудудида жойлашган ресторан бино-иншоотлари ва ўрнатилган жиҳозлари билан мужассам ҳолда.
*Бошланғич баҳоси — 121 329 641 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 22 апрель куни соат 11.00 да Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй, Наманган вилояти филиали биносининг савдолар залида ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБ Наманган вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлими, ҳ/р 20210000600571452072, МФО 00223, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90. Лицензия DB 001 № 000004.**

582R/599



## «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 6 февралдаги 10-0719/16200-сонли ҳал қилув қарорига асосан, «НОВАS-ТАРО» ҚК тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй манзилида жойлашган, «НОВАS-ТАРО» ҚКнинг мулкий мажмуаси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 120,0 млрд. (бир юз йигирма миллиард) сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 7 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуа 7 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 14 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000500571452105 тўлашлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 228-79-52.**

www.rkmb.uz. Лицензия DB 001 № 000004.



## ДИҚҚАТ

*Газетанинг шу йил 28 март 62 (4472) сонидаги РКМБ Хоразм вилоят филиали эълонидаги такрорий очиқ аукцион савдоси куни ўзгарганлиги сабабли, 2008 йил 10 апрель, соат 11-00 да Урганч шаҳри Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.*



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



## ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ

со склада в Ташкенте

## сельхозшины

Voltyre

- 15,5-38 (ф-2АД нс8),
- 9,00-16 (Я-324А нс10),

также реализуем

- солидол жировой;
- стальной канат d=1,6 мм (ГОСТ 2172-80)

Адрес: г. Ташкент, Ц-5/65.
Тел./факс: 140-02-70, 140-02-71.
E-mail: euroaz@mail.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН


*Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кунга бағишланган "Амир Темурнинг ҳарбий санъати" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

## СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

**Анжуман**

Президентимиз ташаббуси билан Амир Темур номи тикланди, унинг мероси, жумладан ҳарбий санъати ўқиб-ўрганилмоқда. Бинобарин, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг асосий мазмуни — Ватан озодлиги, шу Ватанга муҳаббат каби олий қадриятлардан иборатдир.

Тадбирда Амир Темур давлатнинг мустаҳкам таянчи бўлган армияга алоҳида эътибор қаратгани, армия давлат мустақиллиги ва қудратининг ишончли кафолати экани таъкидланди.

Буюк бобомиз ўз ҳарбий концепциясини яратган. Ўрта аср Шарқининг ҳарбий санъатини бойитган Амир Темурнинг ўткир ақл-идроки унга шон-шараф келтирди.

Амир Темурнинг ҳарбий санъати Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида чуқур ўрганилмоқда. Мазкур ўқув юрти Қуролли Кучларимизга юқори малакали офицер кадрларни етказиб беришда етакчи олий ҳарбий таълим масканларидан ҳисобланади.

Ҳозир билим юртида мотоўқчи ва разведка бўлинмалари командирлари, командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда чегара қўшинлари командирлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари мутахассисликлари бўйича офицерлар тайёрланмоқда.

Тадбирда билим юрти тингловчиларини Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялашда Амир Темур меросидан унумли фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди, Соҳибқироннинг ҳарбий санъатини янада чуқур ўрганиш лозимлиги қайд этилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**


Товар сертифицирован

## ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ

Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки

Для
- ВОДОСНАБЖЕНИЯ
- ГАЗОСНАБЖЕНИЯ
- КАНАЛИЗАЦИИ
- КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.

Форма оплаты – безналичный расчет.
Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 2782525
E-mail:trubs_uz@mail.ru



## ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

**Осиё Тараққиёт банкининиг (ОТБ) кредит рақами — 2093-ЎЗБ.**

**Лойиҳа номи — «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси II босқичи.**

**Шартнома номи/рақами — Умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган ахборот-ресурс марказлари (АРМ) учун кондиционерларни харид этиш/ICB02/08.**

1. Ушбу тендерга таклиф ОТБнинг «ОТБ бизнес имкониятлари»нинг 2005 йил 21 январда эълон қилинган 1-сонли умумий харид эълони асосида тайёрланди.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасининг II босқичи доирасида Осиё Ривожланиш банкининг 2093-ЎЗБ-сонли кредити ҳисобидан республика умумтаълим мактабларида ташкил этиладиган АРМлар учун кондиционерларни харид этишни режалаштирган — ICB02/08.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қуйида келтирилган жиҳозларни жойларга етказиш ва ўрнатиш бўйича лаёқатли иштирокчилардан тендерда қатнашишга таклиф этади.

   Лот-1. Сплит тизимли кондиционерлар — 1 000 дона (ҳар бир АРМ учун бир дона).
4. Халқаро тендер савдолари Осиё Ривожланиш банкининг бир босқичли: бир конвертли тендер ўтказиш тартиб-қоидалари асосида ўтказилади. Тендерда ОРБ аъзоси бўлган мамлакатларнинг корхона ва ташкилотлари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.
5. Тендерда қатнашиш истагида бўлган ва қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотлар юқоридаги ускуналарни етказиб бериш бўйича қўшимча маълумотлар учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қуйида кўрсатилган манзил бўйича соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.
6. Тендер ҳужжатлари инглиз тилида бўлиб, иштирокчилар уларни қуйида кўрсатилган манзилга ёзма ариза билан 80 АҚШ доллари қийматидаги қайта қопланмайдиган маблағни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказганларидан кейин берилади:
   - *АҚШ долларида тўлаш учун: Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ Марказий амалиёт бўлими, ҳ/р 20203840300101044008, банк коди 00882, СТИР 202122808;*
   - *сўмда тўлаш учун: Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ Марказий амалиёт бўлими, ҳ/р 20203000100101044001, банк коди 00882, СТИР 202122808.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхоналар 80 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курси бўйича тўлайдилар. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамга тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун иштирокчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди. Чет давлатлардан бўлган иштирокчиларга тендер ҳужжатлари электрон почта ёки авиа почта орқали юборилади. Маҳаллий корхоналар вакиллари тендер ҳужжатларини қуйида келтирилган манзилдан олиб кетишлари мумкин ёки почта орқали етказилади. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига харидор жавобгар эмас.

7. Барча таклифлар қуйида келтирилган манзилга **2008 йил 16 май куни Тошкент вақти билан соат 15.00** дан кеч қолмаган ҳолда топширилиши керак. Таклифлар қуйидаги таклиф кафолати билан биргаликда топширилиши керак.

   L01-Сплит тизимли кондиционерлар — 12,500.00 АҚШ доллари.

   Маҳаллий иштирокчилар таклиф кафолатини хизмат кўрсатувчи банк томонидан таклиф кафолати берилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курсида ва чет эл иштирокчилари АҚШ долларида тақдим этишлари мумкин. Кечикиб топширилган таклифлар қабул қилинмайди. Таклифлар иштирокчилар вакиллари иштирокида 2008 йил 16 май куни соат 15.00 да очилади.
8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.
9. Тендер таклифларини таққослаш жараёнида ОРБнинг имтиёз бериш қоидаси иштирокчиларга кўрсатмаларда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, 100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 1-қават, 108-хона, Дилшод Ҳамзаев, лойиҳа менежери. Телефон: (998-71) 139-15-73. Факс: (998-71) 139-15-71. Электрон манзил: uzbpiu@globalnet.uz**



## «Munitsipal Auksion Markazi»

**ташкилоти 2008 йил мобайнида ҳар ҳафтанинг сешанба куни соат 16.00 да бўш турган ва қурилиши тугалланмаган қуйидаги бинолар сотилгунга қадар ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф этади:**

**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 894 275, 28 АҚШ долл.***

**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бинокор кўрғонида жойлашган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси.**
***Бошланғич баҳоси — 126 843, 89 АҚШ долл.***

**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Янгиобод даҳаси, Шоҳсанам кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 632 401,07 АҚШ долл.***

**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 1-даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 432 220,00 АҚШ долл.***

**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-16 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган савдо маркази биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 209 964,80 АҚШ долл.***

**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-17 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 772 039,67 АҚШ долл.***

**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган бўш турган маъмурий бино.**
***Бошланғич баҳоси — 1 976 253,34 АҚШ долл.***

**Танлов шартлари:**

- ***энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;***
- ***қисқа муддат, кўпи билан 1,5 йил ичида қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМҚ) талабларига мувофиқ қурилишини тугатиш;***
- ***қурилиш ва бошқалар учун зарурий инвестицияни киритиш;***
- ***объект негизида ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш;***
- ***янги иш жойларини ташкил қилиш;***
- ***объект ҳудуди ва атрофини ободонлаштириш.***

Танлов савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун аввал ўз сармоявий таклифларини конвертга муҳрланган ҳолда ва қуйидаги ҳужжатлар тўплами билан бирга тақдим қилишлари шарт:

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси.
2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижий сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари).
3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома.
4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси.
5. Объектни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантириладиган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган бизнес-режа (конвертга солинган ҳолда тақдим этилади).
6. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжатининг нусхаси.
   Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.

Сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси эркин муомаладаги валютада белгиланган бўлиб, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини миллий валютада «Munitsipal Auksion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги МФО 00014, 21508840000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22.

**«Munitsipal auksion markazi» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2008 йил 1-чорак давомида ўтказилган очиқ танлов савдоларининг натижалари**

| Объект номи | Савдо куни | Бошланғич баҳоси (АҚШ доллари) | Сотилиш баҳоси |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчасида жойлашган маъмурий бино ва иншоотлар | 25.03.2008 й. | 619 564,29 | 2 000 000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 635 000 АҚШ долларига сотилди. |

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.**
**Телефонлар: 244-88-04, 244-88-03.**

**Гувоҳнома: № 001568–09.**

# Саодат ОМОНМУРОДОВА: «Қизимнинг ҳақига дуо қиламан»

**Истеъдод**



***Оқгул теннисга қатнай бошлаганида олти яшар қизалоқ эди. Дастлаб спорт билан саломатлик важидан шуғулланган Оқгул спорт мажмуасидаги гуруҳлараро мусобақаларда ғалаба қозониб, тилга туша бошлади. Кейинчалик мураббий Шамил Чеботарёв бу истеъдодли қизчани шогирдликка олди. Устоз тарбиясини олган Оқгул бора-бора Ўзбекистон чемпионати ва халқаро турнирларда қатнаша бошлади...***

— Оиламизда бирор киши спортчи бўлмаган, — дейди Оқгулнинг онаси Саодат опа Омонмуродова. — Бувиси билан келишиб уни саломатлик курсларига бергандик. Келажакда профессионал спортчи бўлиб етишишини хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз, ўшанда. Қарангки, у бугун кўплаб нуфузли турнирлар ғолиби, Осиё чемпиони (2005 йил), "Tashkent open" финалчиси бўлди.

**— Оқгул бугунги ютуқларга эришгунига қадар жуда кўп меҳнат қилган, тинимсиз машғулотларга қатнаган, тер тўккан, тўғрими?**

— Қизим келажакда ўзим сингари мусиқачи ё бўлмаса шифокор бўлади, деган хаёлда юрардим. Чунки у ёшлигидан китобга меҳри баланд эди. Бадиий адабиётлар, фалсафага доир китобларни қўлдан қўймасди. Машғулотларда чарчаганига қарамай, яна мутолаага шўнғиганида унга ич-ичимдан раҳмим келарди, очиғи.

**— Она ўз фарзандини кўз қорачиғидай асрайди. Бир қадам бўлса-да, ёнидан узоқлаштиргиси келмайди. Спортда эса дунёнинг турли мамлакатларига бориш, мусобақаларда қатнашиш, ҳатто, бир неча ҳафталаб бегона юртда қолиб кетишга тўғри келади...**

— Албатта, даставвал бунга кўникишим осон кечмаган. Ҳатто, айрим халқаро мусобақаларга қизим билан бирга борган пайтларим ҳам бўлган. Аммо вақт ўтиб, кўникаркан, киши. Ҳозир Оқгул бирор мусобақага кетса, етиб боргани заҳотиёқ мен билан қўнғироқлашади. Боламнинг овозидан тинчлигини биламан. Баъзан эрталаблари сим қоқиб, уйғотишимни сўрайди. Дунёнинг нариги четида бўлсаям, ўзини худди ёнимда юргандек ҳис қилиш учун шунақа «баҳона»лар қилса, ич-ичимдан қувониб кетаман.

**— Оқгулнинг яқин инсони, унга тарбия берган меҳрибон онаси сифатида қизингизнинг мақсад-ўйлари, орзу-интилишларидан хабардор бўлишингиз табиий, менимча?**

— Қизим мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган. У ҳаётда фақат ўз кучи, билими ва иқтидорига ишониб яшашни афзал билади. Оқгулнинг ҳамиша бошлаган ишини охирига етказишга интилиши, ўз устида тинимсиз ишлашидан мамнунман. Спортдан йироқлашмаган ҳолда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини ҳам муваффақиятли тамомлади. У даставвал WTA таснифида кучли икки юзталикка киришни мақсад қилиб қўйганди. Кўриб турганингиздек, бугун меҳнатлари эвазига кучли юзликка етиб келди.

**— Спорт фақат ғалабалардан иборат эмас. Баъзан мағлубиятга ҳам кўникиш керак. Фарзандингизда шундай ҳол рўй берса, кўнглингиздан нималар кечади?**

— Юртимизда ўтадиган халқаро мусобақаларда отаси, укаси Шуҳрат билан бирга бориб унга далда бериб турамиз. Шунинг учунми, кўпинча, ғалаба қозонади. Аммо баъзан жароҳат олиб, мусобақани эрта тарк этган пайтлари ҳам бўлган. Шундай кезларда "Ютишни билган одам, мағлубиятни ҳам тан олиши керак", дея уни овутаман. Хафа бўлганимни зинҳор билдирмайман.

**— Оқгул ҳозир қаерда? Қандай мусобақаларга тайёрланаяпти?**

— У ҳозир хорижда навбатдаги мусобақада қатнашаяпти. Тез-тез телефонлашиб турибмиз. Боламнинг иқболини тилаб, ҳамиша дуодаман. Насиб этса, қизимнинг ғалабалари ҳали олдинда. Бу гапни онаси бўлганим учун айтаётганим йўқ. Унинг ғайрати, шижоати ва қатъиятига гувоҳ инсон сифатида кўнглимда Оқгулнинг муваффақиятларига ишонч ҳисси бор. "Онажон, сиз истасангиз, дуо қилсангиз, бас. Омад менга, албатта, кулиб боқади", дейди у доим. Онанинг тилаги эзгулик, фарзандининг камолидан бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин? Шундай фарзандни вояга етказганимдан, унга тўғри тарбия бера олганимдан, болам туфайли раҳматлар эшитаётганимдан фахрланаман!

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.**

**Ўйинда ҳам ҳикмат бор**

## *Эпчиллар баҳси*

**Кулоқчўзма халқимиз орасида анча оммавийлашган миллий ўйинлардан бири ҳисобланади. Унда, асосан, ёшлар иштирок этишади. Қир-адирлар этаги ва олис қишлоқларда яшовчи болалар бу ўйинни кўпроқ баҳор фаслида ўйнашган.**

Мазкур қадимий ўйин ёшларнинг абжирлиги ва матонатини синайди. Яъни, дастрўмолга тугилган танга кенг майдонга ирғитилади. У қанча узоққа тушса, ўйин шунча қизийди. Маррага интилган бола рақибларига қулоғини чўздирмаслик ва қўлидаги зотни олдириб қўймаслик учун эпчил ҳаракатлар билан жонли ҳалқаларни ёриб ўтиши керак. Пировардида тўсиқлардан ўтиб, тугунни баковулга топширган ўғлон ғолиб бўлади.

## *Қур таёқ*

***Асосан, ўғил болалар ўйнашади. Дастлаб ерга диаметри ярим метр келадиган айлана чизилади. Унинг ўртасига эса тахминан эллик сантиметр узунликдаги тол новдаси қадалади.***

Иштирокчилар беш метр масофа ташлаб, сўнгра ҳар бир метрга еттита белги қўйишади. Ҳар белгига еттита таёқ ўрнатилади.

Қур таёқда учтадан еттитагача ўйинчи қатнашиши мумкин. Улар қадалган таёқни охиридан олдинга қараб уриб келишади. Таёқни йиқитган бир маррани қўлга киритади. Ўйин шу тарзда давом этади. Ким олдин биринчи белги остидаги таёққа етиб келса, ўша ғолиб саналади.

**Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.**

# Спортнинг Сирли Олами



### Майдон юмалоқ, тўп текис,



**Антиқа жамоалар**

**Футбол бўйича Ватикан давлати биринчилигида қуйидаги жамоалар тўп суради: "Телепочта", "Гвардиячилар", "Банк", "Кутубхона" ва "Музейлар термаси".**

**Ғалаба ҳамон орзу**

Футбол бўйича Ботсвана миллий терма жамоаси кейинги 28 йилда битта ҳам халқаро ўйинда ғалаба қозона олмаган. Жамоа ишқибозлари шунча йилдан буён ғалабани кутиб яшашмоқда. Шу йиллар ичида жамоага 50 нафардан кўпроқ мураббий келиб-кетган.

**Масофа ҳам муҳим**

Дунёдаги олтита мамлакатда футбол расман тақиқланган. АҚШнинг Юта штатида эса черковдан 1,5 мил узоқликдагина футбол ўйнаш мумкин. Бейсбол, гольф ва Америка футболи учун эса бу масофа 0,5 мил қилиб белгиланган.

**Европа чемпионлар лигасининг нимчорак финал босқичи иккинчи баҳсида Лондоннинг «Арсенал» клубига қарши майдонга тушган Паоло Мальдини шу куни фаолиятидаги 1003-учрашувини ўтказганди.**

**Мальдини рекорди**

Жорий йил ёзида 40 ёшга тўладиган футболчи айни пайтга қадар 920 та учрашувда майдонда тўлиқ ҳаракат қилгани «Гиннеснинг рекордлар китоби»га қайд этиб қўйилган.



***Лондоннинг "Челси" клуби раҳбари Роман Абрамович узоқ муддатли танаффусдан кейин катта шов-шувларга сабаб бўлган Жозе Моуриньонинг мураббийликдан кетиши сабабларини ошкор қилди.***

## Жозе Моуриньонинг хатоси

— Жозе тажрибали мураббий сифатида менга ёқарди, — деди Абрамович журналистларга берган интервьюсида. — У билан алоқаларимиз доимо яхши бўлган. Бироқ Жозе ўзини жамоадан-да устун қўйиш одатини чиқарди. Биласиз, бундай манманлик билан футболда юқори натижага эришиб бўлмайди.

## Қадимги Хитойда бугунги футбол

Қадим кашфиётлар юрти сифатида довруқ қозонган Хитой эндиликда «Футбол ватани» унвонини Англиядан тортиб оладиган кўринади. Боиси, ўтган йил ёзида Хитойнинг жануби-шарқида қазиш ишларини олиб борган қадимшунослар кўринишидан футбол ўйинини эслатувчи суратли битикларни топишган. Текширувлардан маълум бўлишича, бу битиклар эрамиздан аввалги 350-250 йилларга тўғри келаркан. Айрим хабарларга қараганда, ФИФА ушбу янгиликни ижобий қабул қилган. Шунга қарамай, замонавий футболнинг ватани сифатида Англия эътироф этилиши таъкидланган.

**Билмасизми?**

**Бразилия термаси — футбол бўйича шу кунгача ўтказилган жаҳон чемпионатларининг доимий иштирокчиси бўлган ягона жамоа ҳисобланади.**

***

Америкаликлар ҳар йили гольф тўпчасини сотиб олишга 630 миллион доллар маблағ сарфлашади.

Ҳозирда кўпчиликнинг севимли ўйинига айланган бокс 1900 йилда спорт тури сифатида расман тан олинган.

***

**"Detroit Free Press" нашри антиқа тадқиқот ўтказди. Унга кўра, профессионал хоккейчиларнинг 68 фоизи мусобақалар давомида камида бир дона тишидан айрилар экан.**



**Акция**

***Дунёнинг бир қатор давлатлари альпинистлари 2014 йили Сочи (Россия)да бўладиган навбатдаги қишки Олимпиада ўйинлари олдидан ўзига хос акция уюштиришга қарор қилишди, деб хабар беради РИА "Новости".***

## Олимп чўққисига бошқа чўққилар орқали

Гап шундаки, улар Олимпиада бошлагунига қадар бўлган етти йил давомида ер юзининг турли бурчакларидаги еттита энг баланд — Мак-Кинли (6193 метр), Эверест (8848 метр), Килиманжаро (5895 метр), Аконкагуа (6960 метр), Винсон (5139 метр), Косцюшко (2228 метр) ва Эльбурс (5642 метр) тоғ чўққилари бўйлаб экспедиция уюштиришади.

Лойиҳа ташкилотчиси Казбек Хамицаевнинг айтишича, экспедицияга Россия, Хитой, Ўзбекистон, Грузия, АҚШ, Австралия, Украина, Беларусь, Қозоғистон ва Непал мамлакатлари альпинистлари жалб қилинади. Забт этилган ҳар бир чўққи тепасига "Сочи—2014" Олимпиада ўйинлари байроғи ўрнатилади.

Ташкилотчилар шу йўл билан Олимпиада ўйинлари оммавийлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Лойиҳа Олимпиада ўйинлари бошланиши арафасида Европанинг энг баланд чўққиси — Эльбурсни забт этиш билан якунланади.

**Ойбек ТОШТЕМИРОВ тайёрлади.**

## Келибдию кетибди

**"Формула-1" автопойгаларининг етти карра чемпиони Михаэль Шумахер яна пойгалар майдонига қайтмоқда.**

### Шумахер яна пойгада

У яқинда "Ferrari" машинасида илк синов машқларини муваффақиятли топширди.

Шумахернинг сўзларига кўра, янги моделдаги машина электрон қурилма орқали бошқарилади. «Бу автоуловда чемпионликни қўлга киритиш анча осон кечади», дейишмоқда мутахассислар.



**Бразилия терма жамоаси ва "Милан" (Италия) клуби ҳужумчиси Роналдо Париж шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида кўпчиликни ҳайратда қолдирди.**

### Роналдо катта футбол билан хайрлашади...ми?!

Маълумки, ҳужумчи икки ярим ой муқаддам Италия "А" сериясининг навбатдаги турида оғир жароҳат олганди. Аксарият футбол мутахассислари "Роналдо энди катта футболдан бутунлай кетса керак", дея тахмин билдиришаётганди.

— Мен тахминан етти ойдан кейин, албатта, футболга қайтаман, — деди "Милан" ҳужумчиси. — Аммо ҳозир бу ҳақда ўйлашга эрта. Қалбим футболга қайтишимга ишонтираётган бўлса-да, танамда кучли чарчоқни сезаяпман. Аммо мен жисмонан эмас, руҳан чарчадим.

### Теннисчига ишончсизлик

Ҳиндистонлик бир гуруҳ теннисчилар мамлакат терма жамоаси сардори Леандер Паесга нисбатан ишончсизлик ортиб бораётгани ҳақида Ҳиндистон теннис ассоциациясига мурожаат қилишди.

Спортчиларнинг фикрига кўра, Паес жамоадаги ички муҳитга салбий таъсир ўтказаяпти. У баъзи теннисчиларга нисбатан адолатсизлик қилиб, уларни кортга туширмаётган экан.



Ассоциацияга ёзилган мурожаат хатига жамоа аъзоларидан Пракаш Амритраж, Махеш Бхупати, Роҳан Бопанна ва Каран Растогилар имзо чекишди. Мактубда Паесдан сардорлик боғичи олиб қўйилмаса, теннисчилар Дэвис кубоги доирасида ўтказилаётган учрашувларда қатнашмасликларини билдиришди.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.**

**Машҳурлар ҳаётидан**

**Шахмат — тафаккур ўйини. Яратилганига неча минг йил бўлибдики, ҳамон инсониятда теран фикрлаш, қалтис вазиятларда энг керакли йўлни топиб, мақсад сари дадил интилиш ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.**

### Оқ ва қора

Шахматни бир қатор мутафаккир ва файласуфлар ҳаётга менгзашгани ҳам бор гап.

Бугун сизларга шахматни ҳаёти мазмуни, ҳаётни эса тахтадаги оқ ва қора катаклардан иборат жиддий ўйин деб билган уч буюк шахматчи, илк жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц, шахмат оламида энг узоқ — 27 йил ҳукмдорлик қилган Эмануил Ласкер ва «зўрдан зўр чиққан» афсонавий тождор — Хосе Раул Капабланка билан боғлиқ қизиқарли воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиб беришга жазм этдик.

### Эплаган ўзини мақтайди

**1889 йили Гавана шахмат клуби шафелигида ўтказилган халқаро турнир олдидан журналистлар Вильгельм Стейницга «Сизнингча, мазкур турнирнинг яққол фаворити сифатида кимни кўрсатиш мумкин?» дея савол беришади.**

— Албатта, мени-да, — дейди шахмат қироли ҳеч иккиланмай. — Ахир менинг рақибларимга кимсан — жаҳон чемпиони билан дона суришга тўғри келади. Мен эса, бахтга қарши, бундай имкониятдан маҳрумман.

### Фарзин ҳалал берса-я...

Йирик турнирда тажрибали рақиблари устидан қийин ғалабага эришган Эмануил Ласкер Ливерпулдан Лондонга қайтаётган эди. Поездда унга шахматни деярли тушунмайдиган, аммо шу билан бирга, пайт бўлди дегунча дона суришга интиладиган одам ҳамроҳ бўлиб қолади. Табиийки, у Ласкерга бир-икки партия ўйнашни таклиф қилади. Шундоқ ҳам оғир турнирдан сўнг қаттиқ чарчаган жаҳон чемпиони бу таклифни рад этади. Бироқ рўпарасидаги инсоннинг шахмат олами тождори эканидан бехабар ҳамроҳи хиралик қилиб туриб олади ва Ласкернинг «Унча яхши ўйнолмайман» деган сўзларидан сўнг фарзинни олиб қўйиб ўйнашини билдиради. Ноилож қолган Ласкер бир неча юришдан кейин «мот» бўлади. Рақибининг бирданига ҳаволаниб, мақтана бошлаганини кўргач, унинг шумлиги тутади ва:

**— Эҳ-ҳа, демак шахматда ютиш учун фарзинсиз ўйнаш керак эканда. Келинг, бу гал мен фарзинимни олиб қўяй, — дейди. Ҳамроҳи бунга рози бўлади. Кўп ўтмай Ласкер ғалаба қозонади. Ҳайратда қолган рақиби учинчи партияда фарзинсиз ўйнаб, жаҳон чемпионини яна осонлик билан «енгади». Тўртинчи партияда эса Ласкер фарзинини олиб қўйиб, рақибини мот қилади. Бу ҳол то манзилга етгунга қадар давом этади. Оқибатда ҳеч нарсага тушунмаган шахмат фанатини санитарлар замбилда олиб тушиб кетишади.**

### Ҳаммасига Форд айбдор

**Хосе Раул Капабланка 1925 йили Москвада ўтказилган халқаро мусобақада иштирок этаётганида, «дўстлари»дан бири унинг автомагнат Генри Форднинг қизига уйлангани ва жаҳон чемпионлигини ҳамиша пулга зориқиб юрадиган Эмануил Ласкердан сотиб олгани хусусида миш-миш тарқатади.**

*Эмишки, Генри Форд куёвининг келажагини ўйлаб, бу келишувни шахсан ўзи амалга оширган. Миш-мишлар кучайиб, жаҳон чемпионининг обрўсига доғ туша бошлаган бир кезда журналистлар «айбдор»дан мазкур вазиятга изоҳ беришини сўрайдилар.*

*— Очиғи, мен Генри Фордга куёв бўлмоқчи эдим, — дейди у кинояли кулимсираб. — Аммо ҳаммасига Форд айбдор: унинг учала фарзанди ҳам ўғил экан...*

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[т] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6 7